



УДК: 342.156

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ РОЛИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ АНИҚЛАШ

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РОЛИ ЧАСТНЫХ АГЕНТСТВ ЗАНЯТОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ И ИХ ПРАВОВОЙ СТАТУС

DETERMINE THE ROLE OF PRIVATE EMPLOYMENT AGENCIES IN PROVIDING EMPLOYMENT AND THEIR LEGAL STATUS

Салимов Шерзод Юнусович¹

Аннотация: Мазкур тадқиқот ишининг мақсади аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда хусусий бандлик агентликларининг роли ва уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқлашдан иборат. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини янада ривожлантириш, ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар ва бандлик масалалари бўйича давлат органлари билан ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатлари таҳлил қилинади.

Аннотация: Целью данной исследовательской работы является определение роли частных агентств занятости и их правового статуса в обеспечении занятости населения. В различных и схожих аспектах анализируются вопросы, связанные с дальнейшим развитием деятельности частных агентств занятости, правовым регулированием и взаимодействием с государственными органами по вопросам занятости населения.

¹ Ўқитувчи, Ижтимоий фанлар кафедраси, ALFRAGANUS UNIVERSITY, Тошкент, Ўзбекистон. Почта: salimovday77@gmail.com
ORCID: -0009-0009-9043-565X

Annotation: *The purpose of this research is to determine the role of private employment agencies and their legal status in providing employment to the population. Issues related to the further development of private employment agencies, legal regulation and interaction with state bodies on employment issues are analyzed in various and similar aspects.*

Калит сўзлар: *Меҳнат бозори, пандемия, хусусий бандлик агентлиги, рекрутинг агентлиги, ХМТ, лицензия.*

Ключевые слова: *Рынок труда, пандемия, частное агентство занятости, рекрутинговое агентство, МОТ, лицензия.*

Keywords: *Labor market, pandemic, private employment Agency, recruitment Agency, ILO, license*

КИРИШ

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда инсоннинг тажрибаси, малакаси, яшаётган ҳудуди, жинси, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар ҳар бир инсон меҳнат бозорида муносиб иш ўрнига эга бўлишга интилади. Дунё аҳолисининг табиий ўсиш сони бир кунда 227398 кишига, бир йилда 96 617 035 кишига кўпайишини инобатга олсак аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган муаммосидир.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонда “.....маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилсин” вазифалар қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатлар аҳоли иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат бозори инфратузилмасидаги барча воситачиларидан фойдаланиш заруриятини англашмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, охириги йигирма йил ичида дунёда меҳнат бозорининг ўсиши, эгилувчан ва кўчар шаклига айланишида рекрутинг агентликларининг ўрни бекиёсдир.

УСУЛ-МЕТОД

Рекрутинг тушунчаси бир қатор хорижий манбаларда турлича эътироф этилади. Жумладан «Ишга олиш» сўзи французча, «рекутер» сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу сўзма-сўз одамни ишга олиш, пуллик ҳарбий хизматга ёллаш деган маънони англатади. Немис тилида ушбу атама аналог - «рекрутиеринг» - ёллаш, ишга олиш. Ушбу сўз инглиз тилида ҳам худди шундай маънога эга [1, 27].

Хусусан Академик Қ.Абдурахмонов “Рекрутинг фаолияти – фойда олиш мақсадида иш берувчи(қидирувчи)лар учун мақбул ходим (иш)ни топиш билан

боғлиқ хизмат кўрсатиш жараёнларидан иборат тадбиркорлик фаолиятидир”[2, 15] деб таъриф беради.

Рекрутинг агентликлар ишсизларни талаби бўйича иш ўринларини топиш, ишга ёллаш, саралаш, баҳолаш билан бир қаторда глобаллашув давридаги тез ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига номзодларни мослаштиришга ҳам хисса қўшади. Зеро бу вазифанинг аҳамиятини академик Қ.Х.Абдурахмонов, иқтисод фанлари доктори, профессор Н.К.Зокировларнинг “...меҳнат бозори ва иш билан бандлик ривожланиши қонуниятлари ва тенденцияларининг таҳлили асосида мазкур соҳаларнинг туб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ва усуллари юзасидан илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш, меҳнат бозори самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган моделлар ишлаб чиқиш, меҳнат ресурслари прогнозлари асосида мамлакат ва минтақани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқбол режаларига аниқликлар киритиш бўйича хулосалар тайёрлашдан иборатдир” деб ифодалайдилар [3, 1].

Аҳоли иш билан бандлигини таъминлашнинг хусусий шакли сифатида рекрутинг агентликлари қонуний жиҳатдан Ўзбекистон меҳнат бозорига 2018 йилда кириб келди. Табиийки фаолиятнинг янглиги, рекрутинг агентликлари тўғрисида фуқароларимизнинг тўлиқ маълумотга эга эмаслиги натижасида бир қатор муаммолар келиб чиқди. Шунга кўра рекрутинг агентликлари фаолиятини ҳуқуқий ва ташкилий, иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни талаб этади. Шу мақсадда тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, прогнозлаштириш усулларида фойдаланилди.

Юқоридаги фикрлар айтилган вақтда мамлакатимизда аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, иш билан бандликни таъминлаш муаммоларини ечишда давлат иш билан бандлик хизматлари билан бир қаторда нодавлат иш билан бандлик органларининг ҳам фаолиятини алоҳида тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади.

НАТИЖАЛАР

Коронавирус пандемияси туфайли дунё меҳнат бозори Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг жиддий

инқирозни бошдан кечирмоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, пандемия пайтида Ўзбекистонда ишсизлик даражаси қарийб 2 миллион кишига етган. Жорий қилинган карантин чекловлари натижасида 500 мингга яқин юртдошларимиз хорижий давлатлардаги иш жойларига кета олмаган [4].

Дунё давлатларида ташқи ва ички миграция деярли изидан чиқиб кетди. 2020 йил мамлакатга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 2,4 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 156 млн. долларга ёки 6 фоизга камайган [5].

Бундай шароитда аҳолининг ишсиз қатламига иш топиб бериш, ташқи меҳнат миграциясини яна аввалги ҳолатига қайтаришда хусусий бандлик агентликлари яъни рекрутинг агентликларининг аҳамияти ҳам сезиларли даражада ошиши табиий ҳол.

Жаҳон меҳнат бозори тизимида TEK systems US, Hays plc, Cegos France, Modis, Harvey Nash, Michael Page International UK, Heidrick&Struggles, Futurestep, Antal International, Michael Page International US каби ташкилотлар рекрутинг хизматларини кўрсатиш соҳасидаги энг кучли ва етакчи агентликлардан ҳисобланади [6].

Хорижда хусусий бандлик агентликлари рекрутинг агентликлари деб номланади ва мустақил субъект сифатида корхоналар (иш берувчи)га ҳамда иш қидираётганларга хизмат кўрсатади. Рекрутинг агентликлари ва уларнинг фаолияти шу даражада самарали ҳисобланадики, у ҳатто халқаро кўламда ҳуқуқий тартибга солинган. Дастлаб, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1949 йилда “Ишга ёллаш бўйича пуллик бюролар тўғрисида”ги, 1988 йилда “Бандликка кўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимоялаш тўғрисида”ги кейинчалик, 1997 йили “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги 181-сонли конвенциялар қабул қилинган.

Рекрутинг компаниялари ҳар йили жаҳон миқёсида 8-10 миллион кишини иш билан таъминлашга ҳисса қўшади. Аммо мамлакатимизда хусусий ташкилотлар томонидан фуқароларни республикамиз ва чет элда ишга жойлаштириш бўйича амалиёт ҳали тўлиқ шаклланмаган.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йили “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши билан ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Республикаимизда 2020 йил 15 июль ҳолатига кўра хусусий бандлик агентликлари реестридан жами 103 та ташкилот рўйхатдан ўтган бўлиб, лицензия берилган ташкилотлар сони – 36 тани ташкил қилади.

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонунга кўра хусусий бандлик агентликлари қуйидаги хизмат турларини кўрсатиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш;

иш берувчилар учун кадрлар танлаш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш;

ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

Эндиликда фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун хусусий бандлик агентликлари томонидан ҳақ олиш тақиқланди. Фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича лицензияга эга хусусий бандлик агентликлари ахборот ва маслаҳат хизматлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан, яъни 223 минг сўмдан кўп пул олиши мумкин эмас.

Чет эллик иш берувчи ва ҳамкори билан шартномалар тузмасдан, фуқароларга хизмат кўрсатиш тақиқланади ҳамда ушбу шартномалар хусусий бандлик агентликларининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши лозим. Ўтган давр мобайнида хусусий бандлик агентликлари реестридан 104 та юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлиб, ҳозирги кунда улардан 18 таси фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга [7].

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолият лицензия асосида амалга оширилади. Яъни лицензия мавжуд бўлмаса агентлик Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошира олмайди. Айрим хусусий бандлик агентликлари раҳбарларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари қонуний асосда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган бандлик агентликлари фаолиятига ҳам соя солди ҳамда фуқаролар ўртасида хусусий бандлик агентликлари фаолиятига нисбатан ишончсизлик кайфияти уйғонишига сабаб бўлди.

Шунинг учун ҳам хусусий бандлик агентликлари фаолиятини янада ислоҳ қилиш ва фуқаролар ишончини қайтариш долзарб масаладир. Адлия вазирлиги томонидан мутасадди ташкилотлар билан бирга ишлаб чиқилган “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси хусусий бандлик агентликлари фаолиятига оид айрим масалаларни ҳам қамраб олган.

Амалдаги **“Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”**ги низомга кўра лицензия олиш учун раҳбар лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ва раҳбарнинг олий маълумотини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаси тақдим қилиниши зарур. Фармон лойиҳасининг 5-иловасида Лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Унга кўра Ягона миллий меҳнат тизимига интеграция қилиш орқали раҳбар лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ва раҳбарнинг олий маълумотини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхасини тақдвим этишни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари билан фуқаролар ўртасида тузилаётган ҳар бир шартнома-ни махсус яратиладиган электрон ахборот тизимига киритиш ва уни доимий янгиллаб бориш талабини лицензия талаб ва шартларига киритиш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни билдириб ўтмоқчимиз. **Амалдаги қонунчилик бўйича агентликларга** лицензия чекланмаган муддатга берилади.

МУНОЗАРА

Хориж тажрибасига юзланадиган бўлсак, хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг муваффақияти агентлик штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги, иш берувчи компаниялар билан барқарор алоқалар, иш изловчилар ҳақидаги маълумотлар базасининг мавжудлиги, мутахассислар танлаб олишда илғор иш технологияларидан фойдаланиш кабилар билан белгиланади [18 б. 8]. Хусусий бандлик агентлигининг рақобатбардошлиги унинг ходимлари томонидан таъминланади [162 б. 9]. Агентликнинг мавқеи унда ишлайдиган мутахассислар даражаси билан белгиланади ва ходимларнинг касбий даражасини доимий равишда ошириб бориш – агентлик ишининг сифатини яхшилаш гаровидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳам хусусий бандлик агентликларининг турларга ихтисослашишига эришиш мазкур соҳани ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бериши мумкин.

Фикримизча лицензиянинг амал қилиш муддатини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лицензияга эга бўлган хусусий бандлик агентликлари лицензиянинг кейинги муддатга узайтирилишига эришиш мақсадида ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай амалга ошириш, рақобатбардошлик, ишончилиқни таъминлашга кўпроқ эътибор қаратиши мумкин бўлади. Бу борада хориж тажрибасига юзланадиган бўлсак, бир қатор давлатларда лицензия, қоида тариқасида, маълум муддатга берилади ва кейинчалик узайтирилиши мумкин. Мазкур тартиб Жанубий Корея ва Чехия давлатларида 3 йилдан ошмайди, Филиппинда 4 йил, Японияда 3 йилга лицензия берилади ва кейинчалик уни 5 йилга узайтириш мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса хусусий бандлик агентликларининг масъулиятини оширишдан иборат. Амалиётда айрим

агентликлар лицензияси бор бўла туриб хорижга бирорта ҳам ишчи кучи жўнатмаган ҳолатлар учраб турибди. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топса, бирорта ҳам ишчи хорижга юборилмаган ҳолларда агентликларнинг лицензияси кейинги муддатга узайтирилмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида фуқароларнинг хорижга ишга кетиш борасида алданиб қолишининг ҳамолди олинади.

Сўнгги вақтларда фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш, фаровонликка эришиш лозим бўлган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳаммаси халқ манфаатлари учун экани кундек аён. Аммо “гуруч курмакисиз бўлмаганидек” айни вазиятда ўз чўнтаги учун “фидойилик” кўрсатётган шоввозлар [10] ҳам учраб турибди албатта.

Соҳани ривожлантириш мақсадида яратилган бу тизим ўзини унчалик оқламади. Хорижда ишлаш истагида бўлган фуқаролар ва хусусий бандлик агентликлари билан боғлиқ муаммолар кўпайди. Афсуски, уларнинг аксарияти фирибгарлик қурбонига айланди.

2019-2020 йилларда хусусий бандлик агентликларининг саъй-ҳаракати натижасида 3 минг 300 га яқин фуқаро Россия, Туркия, Литва, Латвия, Польша, Болгария, БАА, Саудия Арабистони, Беларусь, Хорватия, Япония, Эстония, Қозоғистон, Украина, Исроил, Германия, Греция, Қатар каби давлатларга қонуний тарзда ишга жойлаштирилди. Бироқ улар томонидан лицензия талаблари ва шартларини бузиш ҳолатлари учрамоқда.

Маълумотларга кўра, 11 та хусусий бандлик агентлиги томонидан фуқароларга 71,8 миллиард сўм миқдорида зарар етказилган ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган [11].

Президент Шавкат Мирзиёев “Биз учун ҳар бир иш жойи муҳим. Инсоннинг бандлиги оиласининг фаровонлиги, эртанги кунга бўлган ишончи, давлатга бўлган ишончи ортиши учун асос бўлиб хизмат қилаётгани учун камида икки кишини иш билан таъминлаган ҳар бир тадбиркорга миннатдорчилик билдиришга тайёрмиз” дея бир неча бор таъкидлаганди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, меҳнат муҳожирларининг аксарияти Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги давлат унитар корхонаси хизматларидан фойдаланмайди. Жорий йилда мазкур агентлик 8 мингдан ортиқ одамни ишга жўнатган бўлса, Ўзбекистондан хорижга кетган меҳнат муҳожирларининг сони қарийб 3 миллион кишини ташкил этади.

Хусусий бандлик агентликлари Ўзбекистондан меҳнат муҳожирларини Европа мамлакатларига, Японияга, Яқин Шарқнинг бой мамлакатларига жўнатиш ва уларни сифатли, яхши ҳақ тўланадиган ва хавфсиз ишларга ишга жойлаштиришга ихтисослашган.

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш, уларнинг ташкилий, ҳуқуқий ва меҳнат фаолиятини ошириш бўйича ишларни қўллаб-қувватлаш меҳнат муҳожирлари оқимига – ўн минглаб ишсизларга иш топишда самарали ёрдам беради. Бундай ёрдам давлатдан молиявий харажатларни талаб қилмайди ва мамлакатда давлат харажатларини оптималлаштириш қарорига мос келади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра Республикадан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун лицензия даъвогарлари эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўйиши керак. Лекин мазкур миқдор хусусий бандлик агентлиги билан шартномавий муносабатга киришган барча мигрантларнинг йўқотишларини қоплаб бериш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Шу сабабли Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ушбу суммани базавий ҳисоблаш миқдорининг 8500 баравари қилиб белгилаш (тахминан 200 минг АҚШ доллари) таклифи илгари сурилди. Қонуннинг 13-моддаси тўртинчи қисми ва 23-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисига киритилаётган “БХМнинг 8500 баравари” миқдоридаги ўзгартириш юзасидан танқидий фикрлар билдирилган [12].

Фикримизча бу билан ҳам муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Бунда мазкур миқдордаги пулни жамғармага қўйиш хусусий бандлик агентликларини молиявий аҳолини ёмонлаштириб қўйиши мумкин, бу уларнинг ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши, рақобатбардошлиги ва малакали кадрларни жалб қилиш каби фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур масала юзасидан хориж тажрибасига юзланадиган бўлсак, кўпгина давлатларда гаров пулининг дифференциал шаклидан фойдаланилади. Бунда асосий мезон хусусий бандлик агентликлари томонидан хорижга ишлаш учун юбориладиган мигрантлар сонига қараб тўлов миқдори табақалаштирилиб белгиланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, хусусий бандлик агентликлари фаолияти ривожланишига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар бартараф этилмас экан, мазкур соҳа ўз ўрнини йўқота боради.

Ҳар қандай хусусий агентлик мақсади мустақил равишда учта масалани ечишдан иборат: 1) буюрт-

мачи-компаниянинг кадрларга эҳтиёжини тушуниш; 2) бу эҳтиёжларга энг кўп даражада мувофиқ келадиган таклифлар ичидан топиш; 3) келгуси ишчиларнинг максимал омилкорлиги ва тартиблилиги бўйича буюртмачига кафолат бериш мақсадида олдинги номзодларни текштириш.

Ўзбекистонда 4 йил ичида 71 та хусусий бандлик агентлигининг лицензияси бекор қилинди (аксарияти – ўз хоҳиши билан). Ҳозирда фаолият юритаётган агентликлар сони бор-йўғи 6та қолган. Меҳнат вазирлиги фуқароларни чет элда ишга юборишни ваъда қилиб пул олувчи қаллоблардан огоҳлантирди. Қонунга биноан, ХБА фуқародан унга чет элда иш топиб бергани учун пул олишга ҳаққи йўқ.

Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари фаолиятига рухсат берилган 2018 йилдан то ҳозиргача 71 та ХБАнинг лицензияси бекор қилинган. 59 та ҳолатда корхона ўзи ариза билан мурожаат қилган бўлса, 12 та агентликка нисбатан жиноят иши очилган.

Унга кўра, бугунги кунда 6 та хусусий бандлик агентлиги фаолият юритмоқда. Аслида, лицензияси бор ва хорижга ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга ХБАлар сони 9 та, аммо 2 тасининг лицензияси БХМнинг 800 баробари миқдоридаги пул маблағларини захира қилмаганлиги учун 6 ой муддатга вақтинчалик тўхтатилган, яна биттасининг устидан шикоят ва мурожаатлар келиб тушгани учун уларда қўшимча текширув ўтказилиб, лицензияси 10 кунга тўхтатилган [13].

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ташкил этилган хусусий бандлик агентликларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва эндигина вужудга кела бошлаган бу соҳани ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Хусусий бандлик агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларни ташкиллаштирилган ҳолда жалб этишни меҳнат миграциясининг устун шакли сифатида ривожлантириш ва фаолиятини мониторинг қилиш зарур ҳисобланади.

Авваламбор хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг илмий асослари таҳлил қилиш;

уларнинг жаҳонда рақобат қила олиши учун хориж тажрибасидан келиб чиқиб ихтисослашуви;

қишлоқ ҳудудларда хусусий бандлик агентликларини ташкил этиш;

қишлоқ меҳнат бозорининг муайян сегментида хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ихтисослаштириш;

туманлар БКМлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

хорижга ишчи кучини экспорт қилишни рағбатлантириш;

хусусий агентликларни қишлоқ меҳнат бозорида рақобатбардошлиги паст бўлган аҳоли категориялари билан ишлашини йўлга қўйиш;

хусусий бандлик агентликларида фаолият юритувчи малакали рекрутерлар, консультантлар, менежерларни тайёрлаш, уларни хорижда малакасини ошириш;

ўз иш жараёнларида турли хил рекрутинг, яъни ишга олиш технологияларидан фойдаланиши;

иш излаётган ходимларни қидириб, уларни танлаб олишда ўзига хос услублар, йўллар, ёндашувлар ёрдамида ҳаракат қилиши кабиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шундай экан бугунги вазиятда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ривожлантириш, уларга ҳар томонлама қўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга Ягона миллий меҳнат тизими ахборот дастурини ишга тушириш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижда бўлиб қайтган меҳнат мигрантларни ишга жойлаштириш, бепул касбга ўқитиш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар



1. В.Г Гак янги француз-русча луғати / К.А.Ганшин .- 9-чи эд., Рев.-М.: рус тили - Медиа, 2004. - 1195 б.
2. Қ.Абдурахмонов, С.Ғойипназаров. Рекрутмент. “Фан “нашр”и 2021 й. -15 бет.
3. Қ.Х.Абдурахмонов, Н.К.Зокирова, Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар.”Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. Т.: № 1, 2011 йил. -1 б.
4. Карантин сабаб хориждаги ишга қайта олмаган ўзбекистонликлар сони очиқланди <https://qalampir.uz/news/karantin-sabab-khorizhdagi-ishiga-k-ayta-olmagan-uzbekistonliklar-soni-ochiklandi-23734>
5. Ўзбекистонга хориждан валюта кириши камайди. <https://qalampir.uz/news/uzbekistonga-khorizhdan-valyuta-kirishi-kamaydi-23159>
6. Хусусий бандлик агентликларини қандай ўзгаришлар кутмоқда? http://fkr.uz/blog/mehnat_huquqi/khususiy-bandlik-agentliklarini-andaj-zgarishlarkutmo_da.html
7. Агентлик ва хусусий бандлик агентликлари фаолияти тўғрисида.<https://labormigration.uz/statics/show/3>
8. Суннатов Ж.С. “Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва соҳани ривожлантириш масалалари”. Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журналнинг Магистратура талабаларининг илмий мақолалари (махсус сон). 16-21 б
9. Суннатов Ж.С. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятида замонавий маркетинг фаолиятини ривожлантиришнинг янги Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни. “Бакалавриат ва магистратура талабаларининг илмий ишлари” халқаро масофавий илмий-амалий конференция якунлари бўйича илмий ишлар тўплами. Б.162.
10. «Korean and migration xususiy bandlik agentligi» бўйича суд иши бошланди. <https://kun.uz/news/2020/06/02/korean-and-migration-xususiy-bandlik-agentligi-boyicha-sud-ishi-boshlandi>
11. Хусусий бандлик агентликлари https://uza.uz/oz/posts/hususiy-bandlik-agentliklari-faoliyati-ozini-oqlayaptimi_321360?q=%2Fposts%2Fhususiy-bandlik-agentliklari-faoliyati-ozini-oqlayaptimi_321360
12. Хусусий бандлик агентликлари сони ошса хизмат кўрсатиш сифати яхшиланадими?. <https://uza.uz/oz/society/khususiy-bandlik-agentliklari-soni-oshsa-khizmat-k-rsatish-s-11-04-2020>
13. Лицензияга эга ХБАлар сони 9та қолди. Хорижда иш ваъда қилувчи фирибгарлардан оғох бўлинг. <https://kun.uz/news/2022/07/06/lisenziyaga-ega-xbalar-soni-9ta-qoldi-xorijda-ish-vada-qiluvchi-firibgarlardan-ogoh-boling>